

Ўзбекистон Бадий Академияси
Қамолиддин Бехзод номидаги
Миллий рассомлик ва дизайн институти
Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси

Н.Абдуллаев

**Санъат тарихидан назорат ишларини бажариш
асоси ва талаблари**

Тошкент 2010

Сўз боши

Ушбу ўқув-услубий қўлланма Олий ўқув юртларининг санъатшунослик йўналиши бўлими талабалари учун мўлжалланган. У санъат тарихидан назорат ишлари мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмаларни ўз ичига олади.

Махсус фанлардан малакавий бититув иши (диплом иши) ёзиш иккита тайёрлов босқичдан- назорат ва курс ишларидан иборат.

Уқув режаси асосида назорат иши ҳар семестрда топширилади. Талабаларни мустақил санъатшунослик фаолиятини юритишига тайёрлашда назорат иши муҳим омилдир.

Назорат вазифалари устида онгли ва мақсадли ишлаш уларнинг нафакат дунёқарашини кенгайтиради, балки бадиий асарни таҳлил қилиш услубиятини, адабий манбалардан фойдаланишни ўргатади. Бадиий асар устида мустақил ишлаш методикасини эгаллаган, ижодий жараён маъносига етган талаба суҳбат ўтказиш учун маълумот йиғади.

Қўлланма икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда назорат ишининг 5 та тури бўйича ҳарактеристика, уларнинг асосий хусусиятлари, ишга қўйилган талаблари, ҳажми белгиланган. Назорат ишларининг асосини, вазифа қайси вариантда бўлмасин, бадиий асар таҳлилидан иборат бўлиб, бу талабаларга бир қанча кийинчиликлар тугдиради. Бу ерда тасвирий санъат асарини таҳлил қилиш методикаси бўйича муфассал тавсиялар берилган.

Қўлланманинг иккинчи бўлими ишни ҳар бир босқичини (мавзу танлаш, материал туплаш, матн устида ишлаш, иллюстрация ва безаш) бажариш бўйича умумий методик кўрсатмалардан иборат.

Мазкур ўқув услубий қўлланма асосига мавзуга оид мақола ва маърузалар асос қилиб олингани ҳолда ўқув юртлари учун нашр этилган “Контрольные работы» услубий қўлланмасининг санъатшунос Фотима Умарбекова томонидан таржима қилинган қўлёзмаси материалларидан фойдаланилди.

I-бўлим

Назорат ишлари учун вазифалар тури

Тавсия этилган вазифалар 5 та асосий гуруҳга бирлаштирилган.

1. Санъат асарини таърифлаш ва таҳлил қилиш.
2. Иллюстрациялар ёрдамида санъат ҳақида суҳбат.
3. Экскурсия ташкил қилиш.
4. Курсни бирор бўлимига иллюстрациялар альбомини тайерлаш.
5. Синхроник жадвал тузиш.

Вазифалар ва уларни бажариш усуллариининг турлилигини назарда тутиб қўлланмада ҳар қайси гуруҳга алоҳида бўлим багишланган. Ҳар қайси бўлимда

ушбу вазифалар у ёки бу шаҳар, ёки қишлоқда музей, картина галереяси, кургазмалар зали, ҳайкалтарошлик ёки меъморий ёдгорликларнинг бор ёки йуклигидан келиб чиқиб кимларга мулжалланганлиги кўрсатилган.

Санъат асарини таърифлаш ва таҳлил қилиш.

Вазифанинг асосий мақсади — санъат ёдгорликларини таҳлил қилиш усуллари эгаллаш, кўриш қобилиятини ривожлантириш, асар мазмунини тушуниш ва унинг бадиий қийматини баҳолаш. Иш жараёнида талаба санъатшунос учун муҳим бўлган профессионал сифатларга эга бўлади.

Бундаги вазифаларни санъат асарини ҳоҳ бу картина, ҳоҳ ҳайкал ёки меъморий ёдгорлик бўлсин асл нусхасини бевосита ва ўзок муддат ўрганишдагина бажариш мумкин.

Графикада офорт ва ксилография, литография монотипия асарнинг асл нусхаси ҳисобланади қачонки улар муаллиф ишлаган техникада такрорланган бўлса. Китоб беағи ҳам асл нусха ҳисобланади, қачонки, у муаллиф ишлаган вариантда берилган бўлса. Айрим ҳолда факсимил нашрдан иборат бўлади.

Санъат асарини таҳлил қилиш назорат ишининг асосий турларидан бири бўлиб бошқа турдаги вазифаларнинг ҳам муҳим бўлагидир. Бу ерда санъатнинг барча турлари учун умумий, ўрганилаётган объектни ифодаловчи махсус таҳлилнинг принципиал асослари бўйича кенг қуламдаги кўрсатмалар тавсия этилган.

Талаба эстетиканинг асосий қонунларига биноан Санъат умуман ва бинобарин рассомнинг ҳар бир алоҳида асари ҳақиқий воқеликни акс эттиришидан келиб чиққан ҳолда таҳлил қилишга киришади. Шунинг учун санъат асарига баҳо беришнинг бош мезони- ҳаққонийлик, ижодкорни қонунлари илғор ғояларини чуқур ва эмоционал ифодалаш, ўз даврининг моҳиятини тушуниши ва уни мукамал бадиий формага тадбиқ эта билиши.

Бадиий асарни таҳлил қилиш бу унинг бадиий-ғоявий яхлитлиги, тузилиши ва аҳамиятини диққат билан ўрганиш натижасидир. Бундай изланишлар аниқ бир ёдгорликни танланишидан қатъий назар, қуйидаги моментларни ўз ичига олади:

- а) асарнинг ғоя ва мавзусини очиш
- б) рассом ўз ғоясини тадбиқ қилиш учун фойдаланган бадиий воситаларни аниқлаш.
- в) асарнинг рассом ижодий биографиясидаги аҳамиятини баҳолаш
- г) асарнинг ўзи тааллуқли бўлган санъат туридаги урни ва унинг бадиий-ғоявий негизи.

Шуни эсда тутиш керакки, мана шу мустақил саволларни ажратилиши ўзи шартлидир, чунки ҳар бир санъат асари - ҳамма элементлари ўзаро боғлиқ яхлит организмдир. Юқорида таъриф этилган, ишнинг алоҳида моментлари, бажарилиши ва изланишлар натижаси баёнини айнан шу тартибда ифодалаш

керак дегани эмас. Санъат асари ёдгорликларини бадиий-ғоявий ўзига хослигини, унинг мазмун-моҳияти ва шакли ўзвий бирликда куриб чикилсагина тушуниб етиш мумкин.

Рассомнинг ижодий ишини эмоционал қабул қилиниши ҳам катта аҳамиятга эга. Шунинг учун санъат асари билан танишишганда ўзида ҳосил бўлган ҳис-туйғу ва фикрларни аниқ ва равшан ифодалашга ҳаракат қилиш керак.

Асар устида ишлаш икки мустақил ва ўзаро боғлиқ бўлимдан иборат: биринчидан, асл нусхани ўрганиш, иккинчидан-адабиёт ва бошқа ахборот манбаларини ўрганиш.

Изланиш учун танланган объектнинг XIX аср санъати тарихидаги урни ва шу давр маданиятининг ривожланиши, муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлган талаба ишни таҳлил қилинаётган ёдгорликни диққат билан куриб чиқишдан бошлаши керак.

Аввалом бор, асарни қайта-қайта диққат билан куриб чиқиш керак. Барча кўзатиш, фикр, таассуротларни, бир қарашда бахсли ва аҳамиятсиз қуринсада, езиб бориш шарт. Кейинчалик кераксиз лари қолиб, аҳамиятсиз қуринган кўзатишлар мустақил қуриниш, санъат воқеяликларини тушуниш ва кейинги изланишларнинг асосини ташкил қилиши мумкин.

Асарларни диққат билан кўзатиш ва таҳлил қилишдан санъат тарихида уларни ўрганиш учун нималар қилинганлиги билан танишишга утиш керак. Ёдгорликларни ўрганиш босқичида ҳосил бўлган мустақил мулоҳазаалар ва таассуротлар талабанинг мутахассислар-тарихчи, санъат назариячилари фикрлари таъсирига тушиб қолмаслигига ёрдам беради. Шу билан бирга мустақил ҳулосалар текширилади ва тасдиқланади. Адабиётлар билан ишлаш тугрисидаги умумий кўрсатмалар қўлланманинг шу саволга бағишланган бўлимида берилган.

Бадиий асарни таҳлил қилиш борасида тайер кўрсатмалар бериш мумкин эмас: ҳар бир конкрет ҳолда санъат ёдгорлигига ёндошиш биринчи планга сурилган, муҳим ролни бажарувчи, тарафлари ва бетакрор хусусиятлари бошқаради. Асарнинг бадиий-ғоявий бирлиги ҳақида чуқур тасаввурга эга бўлишда айрим деталларни куриб чиқишда диққатни жамлаш жуда муҳим.

Асарнинг тури ва жанри хусусиятларидан катъий назар композицияни ўрганиш, рассом томонидан бушлик муаммосини ечими, масштаб нисбати, алоҳида элемент ва оммани жойлаштирилиши, уларнинг уйғунлиги ва муҳимини кўрсата билиш, ғоявий акцентларни тугри қўйиш таҳлил негизи ҳисобланади. Композицияда тасодиқий нарса йуклиги, ҳаммаси асарнинг бош ғоясига бўйсундирилиб уни образли ифодалашга ёрдам беради. Рассом нима учун композицияни айнан шундай кўрган ва у асар мағзини ёритишга қандай ёрдам беради деган саволга жавоб бериш даркор.

Тасвирий санъатнинг барча турларида рассом ишлатган материаллар жуда катта аҳамиятга эга. Шунинг учун ёдгорликни таҳлил қилишда қандай материал

кулланилганлиги ва у асарнинг бадиий-ғоявий мазмунини ифодалашда кандай роль уйнаши кўрсатилиши керак.

Санъатнинг ҳар хил турдаги ёдгорликларини таҳлил қилиш ўзига алоҳида ёндошишни талаб қилади. Биринчи планга ҳар бир тур учун муҳим бўлган тарафлари сурилади. Масалан, рангтасвир асарини таҳлил қилишда унинг специфик хусусияти бўлмиш ранг муҳим роль уйнайди. Шунинг учун сюжет ва композициядан сўнг дархол колоритга мурожаат қилинади. Аммо уни ўрганиш рангтасвир учун муҳим бўлган бошқа таъсир воситалари : еруг ва соя, чизик, бушликни ташкил қилиш усуллари , доғ ва чизикнинг ритмик муносабатлари ва х.к. Шу билан бирга рангтасвирнинг турли жанридаги асарларда бадиий воситалар аҳамияти бир хил эмаслигини эсда тутиш керак.

Графикада асосий эмоционал таъсир воситаси- чизик ва штрих. Образ яратишда улар характери ва ритми муҳим роль уйнайди. Шунинг учун, графика асарини таҳлил қилишда биринчи галда рассом ишининг шу тарафларига аҳамият қилиш даркор.

Графика турларининг куплиги асарлар таҳлиliga турлича ёндошишини талаб қилади. Шундай қилиб, китоб графикасини ўрганишда рассом берган образ талкини унинг бадиий асардаги прототипига мувофиқлиги ва китобни бадиий беағи езувчининг фикрини ифодалай олганлигини аниклаш муҳимдир.

Юмолук ҳайкалтарошлик асарлари ҳар хил нуқтаи назардан қуриб чиқишни талаб қилади. Факат шундагина образнинг чуқур мазмуни тула туқис очиб берилади ва муаллиф ишлатган бадиий восита мақсади тушунилади.

Маҳобатли ҳайкалтарошликда, биринчи галда ёдгорликларда, унинг на факат ҳайкалтарошлик балки меъморчилик томонидан ҳам композицион ечими, шунингдек ҳайкални урнатилиш жойи ҳам муҳим масала бўлиб қолади. Ҳайкал образининг турли характеристикаси билан бир қаторда унинг силуэти алоҳида аҳамият қасб этади.

Меъморчилик иншооти билан боғлиқ бўлган ҳайкал рельефи ҳақида сўз борганда, ҳайкалтарошлик билан меъморчилик синтези ва органик уйғунлиги масаласи муҳим бўлиб қолади. Рангтасвир ва графикада қабии рельеф тёлқисликда ейилади. Аммо, улардан фарқли уларок, бу ерда чизик ва чизик ритми аҳамиятига таъсир қилмаган ҳолда пластик ечим муҳим роль уйнайди. Ҳайкалтарошлик рельефини таҳлил қилишда бу нарсаларни ўзаро таъсири аниқланиши ва диққат билан қўзатилиши керак.

Юқорида санаб ўтилган тасвирий ҳисобланган санъатнинг учала турини қўзатишда нима ва кандай тасвирланган деган савол турса, Амалий санъат ва меъморчиликда бу муҳим эмас. Бу ерда меъморий иншоот ва амалий санъат буюмининг амалий аҳамияти биринчи урин тутати. Уларнинг эстетик сифатларини утилитар томондан боғлиқлигисиз баҳолаб бўлмайди. Меъморчиликда ҳам, амалий санъатда ҳам бадиий ечимнинг барча элементлари- шакли, ҳажми, ишлов бериш усули, декоратив беағи, ҳатто мавзуси ҳам

уларнинг амалий вазифасидан келиб чиқади. Шунинг учун ҳамма моментлар ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирида куриб чиқиш мумкин.

Меъморчилик ёдгорлиги ва амалий санъат асарини изланиш объекти сифатида танлаганда, улар на фақат атрофимиздаги воқеаликни акс этишини, балки уни шакллантиришда ҳам фаол катнашишини назарда тутиш керак. Шунинг учун, уларни тушуниб олиш ва баҳолаш учун, урналиш жойи ва атрофи, қайси ансамбл таркибига киришини белгилаб олиш лозим.

Меъморчилик ва амалий санъат табиатан кашфиетчи эмас. Бирок, кашфиетчи бўлган безак (декор) меъморчиликда ҳам, амалий санъатда ҳам муҳим роль уйнайди. Тематик ва орнаментал композицияни таҳлил қилишда шуни едда тутиш керакки, улар буюм ва бино яхлит организмнинг элементи бўлиб, катта аҳамиятга эга эмас.

Меъморчилик ёдгорликлари ва амалий санъат буюмларига ана шундай ёндошиш, аниқ топилган ва бир бирига бўйсундирилган мазмунли бадиий шакл асарни ғоясини равшан, асарни ўзини эса-таъсирчан ва эса коларли бўлишига сабаб бўлади.

Санъатни бу турларида куп ўхшашликларга карамай, ҳар бири ўзи хосликка эга эканлигини эса тутиш керак. Бу ўз навбатида уларни ўрганишда махсус ёндошишни талаб қилади.

Тасвирий санъат асарларини таҳлил қилиш методикаси турлича бўлиши мумкин. У изланувчи олдида қуйган мақсадга боғлиқ. Айрим ҳолда биринчи уринга, муаллиф топган тасвирий воситаларнинг асар ғоявий мазмунига мувофиқлиги масаласи қўйилади. Бошқа ишларда, рассомнинг ижодий дастхати хусусиятларини унинг замондошлари, ундан аввалги ва кейинги рассомларники билан солиштириш масаласи илгари сурилади. Бу ҳолда иккита ёки бир неча асарни солиштириш методи самара беради.

Шундан келиб чиқиб, 1-вазифада асл нусхада ўрганиш имконияти бўлган битта йирик асарни ёки 2-3 асардан биттасининг асл нусхаси таниш, қолганлари сифатли репродукцияда бўлган асарларни солиштира таҳлилин бажариш тақлиф этилади. Назорат иши ҳажми 8-19 (машина езувида) варокда бўлиши керак. Иллюстрациялар (3-5та) матнга бириктирилган ёки ишни охирида алоҳида илова қилинган бўлиши мумкин.

Битта асарни таҳлил қилиш

Бу вазифани мақсади- битта бадиий асарни ижодий ўзлаштириш. Бу назорат ишини хусусияти шундан иборатки, ҳамма эътибор рассомнинг битта конкрет асарига қаратилади. Уни мукамал ўрганишда асарда муаллифнинг дунёкараши қандай акс этгани, эътиқоди ва қарашлари намоен бўлади. Асарни барча бадиий элементларини ўзаро боғлиқлиги, уни эмоционал ва мазмунан таъсирчанлигини қўрсатувчи ички таркибини очиқ бериш муҳим.

Ижодкор ишини тугри ва объектив баҳолаш учун, мавзуни аниклаб уни рассом замонасининг воқеялиги билан алоқасини кўзатиш, долзарблиги ва мазмуни; муаллиф мавзуни ёритиш учун танлаган сюжетни очиш, танланган шакл тасодифий эмас, балки бадиий-ғоявий фикр билан боғлиқлигини кўрсатиш. Шунингдек, асарда рассомнинг ижодий стили хусусиятлари ва қайси бадиий йўналишга тааллуқли эканлиги қандай намоянча бўлганлигини аниклаш.

Вазифани бажаришни санъат ёдгорлигини танлашдан бошлаш керак. У назорат ишини бажараётган талаба учун қизиқарли, катта профессионал-педагогик аҳамиятга, юқори бадиий савияга, ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши шарт. Таклиф этилаётган тахминий мавзулар руйхатида рус санъати ривожланиш даври, бутун бир йўналиш, у ёки бу рассом ижодидаги муаммолар акс этган йирик асарлар ҳисоблаб ўтилган. Талаба изланиш объектини, шуларга ўхшаш, асл нусхасини кўриш имконияти бор ёдгорликлар орасидан мустақил танлаб олиши мумкин. Маҳаллий санъатга мурожаат қилиш, ўзига яқин, қизиқарли, бадиий жиҳатдан қimmatли бўлган материал қидириш зарурлиги мавзу танлашга жиддий ёндошишни талаб қилади.

Таҳлил учун асар танлангач изланиш муаммоси ва уни йўналиши, ишнинг асосий бўлимлари ва изчиллигини белгилаш зарур.

Конкрет асарни дастлабки таҳлил қилиб бўлгач, рассом ижоди ва даврини аниклаш, қушимча маълумот олиш учун махсус адабиётга мурожаат қилиш керак.

Шундан сўнг назорат иши матни устида ишлашга киришиш мумкин.

Битта асарни таҳлил қилиш учун тахминий мавзулар руйхати

Рангтасвир

1. А.Абдуллаев. Аброр Хидоятлов портрети
2. П.Беньков. Дугоналар
3. П.А.Федотов. «Задогоннинг нонуштаси»
4. Н.Кашина Доирачи қиз
5. М.А.Врубель. «Учаётган иблис»
6. А.Я.Головин. «Натюрморт»

Графика

1. В.А.Серов. «Солдатлар»
2. А.Н.Бенуа.»А.С.Пушкиннинг «Пиковая дама» иллюстрациялар

Ҳайкалтарошлик

1. И.И.Теребенев. Адмиралтейство биноси рельефи

2. И.П.Мартос. Минин ва Пожарский ҳайкаллари

Меъморчилик

1.А.Д.Захаров. Адмиралтейство

2.Чекка шаҳар жамоат биноси

3.Ф.О.Шехтель. Рябушинский кургони

Амалий-декоратив санъат

1. А.Н.Воронихин. Ювиниш учун шиша буюмлар. Павловск сарой мўзеи

2. XIX аср Пенза губерниясиНиколо-бахметьев заводи усталарининг асари

Солиштирма таҳлил

Солиштирма таҳлил- у ёки бу санъат ёдгорликлари хусусиятини , алохида бир рассом ижоди ёки уни йўналишини бир неча асарларни солиштириш йўли билан аниклаш методи. У берилган асарнинг ҳарактери ёки рассом ижодининг муҳим сифатларини таъкидлайди.

Таҳлил қилиш мезонлари битта асар таҳлили кабидир. Шунинг учун юқорида айтиб ўтилган коидалар вазифани бу вариантида ҳам муҳим бўлиб қолади. Фарқи шундаки, бу ерда таҳлилнинг ҳамма бандида доимо бир асар бошқа бир ёки бир нечта асарлар билан солиштирилади. Мавзу ва сюжетлар, композиция ечими, бадиий воситалардан фойдаланиш усуллари солиштирилади.

Солиштирма таҳлил учун танланган асарлар пухта уйлаб олинади. Ишни бошлашдан аввал, ўз олдига: қайси мақсадда солиштириляпти деган савол қўйилиши зарур. Шунда материал танлаш ва солиштириш мақсадга йуналтирилган бўлади.

Асарларни яқинлиги, стилини бирлиги ёки аксинча, карама –қаршилик принципи асосида танлаш мумкин. Бадиий ечими ўхшаш асарлар солиштирилганда уларни тафовути аниқланса, ҳар бир асарни ўзига хослиги, оригиналлиги очилади.

Карама-қарши ҳарактерли асарларни солиштириш учун : 1) ҳар хил давр ва стилдаги иккита меъморчилик ёдгорлиги; 2) ҳар хил материалдан ишланган ва турли вазифани бажарувчи амалий санъат буюмлари; 3) ҳар хил материалдан (гранит,фарфор,мрамор) ишланган, кичик ва маҳобатли иккита ҳайкалтарошлик асари ; 4) бир мавзудаги рангтасвир ва графика асарлари; 5) битта рассом ижодидаги турли ҳарактердаги инсонлар портрети.

Келтирилган мисоллардан кўриниб турибдики, солиштиришлар турлича, лекин барчасида икки ва ундан ортиқ асарларни солиштириш ҳар бирининг негизига кириб боради.

Тасвирий санъат ёдгорликларини солиштирма таҳлил қилиш учун вазифалар варианты жуда куп. Маҳаллий мўзейга карашли ёки ўз шаҳрининг кенг танилган ва ўрганилган рус санъати асарларини солиштириш уқитувчининг мактабдаги фаолияти учун фойдали ва қизиқарли кашфиётларни келтириб чиқариши мумкин.

Таҳлилга ёндашишнинг ўзи ҳам турлича бўлиши мумкин. Асарни мазмуни ва уни ёритиш воситаси нуқтаи назаридан ёки битта ижодий вазифани , айрим масалани ечими бир нечта ёдгорликда бажарилишини таҳлил қилиш мумкин.

Меъморчилик ва ҳайкалтарошлик синтези муаммоларини ёки бир неча классицизм иншоотлари мисолида экстерьер ва интерьерни ўзаро алоқасини ўрганиб, рус классицизми меъморчилигининг асосий стили хусусиятлари ҳақида хулоса қилиш кийин эмас.

Рангтасвир асари таҳлиliga ҳам шундай ёндашиш мумкин. Масалан, бирорта рассомнинг картиналарида бушлик ва колорит муаммоларини ўрганиш унинг ижодий эволюциясини тушуниш имконини беради. Шу маънода П.А.Федотовнинг ҳар хил йиллардаги картиналарини солиштириш жуда кизик («Сватовство майора» , «Анкор, еще анкор!» А.П.Федотов ва А.Г.Венецианов ишларини бушликни кўрсатиш нуқтаи назаридан солиштириш эса бу рассомларни ижодий йулларининг ҳар хиллигини кўрсатади.

Солиштирма таҳлил санъатни ўрганиш усули сифатида самаралидир. Чунки конкрет асар усулларини кўзатиш ва шу билан бирга бутун бадиий жараен қонуниятларини тушуниш имконини беради.

Куйида келтирилган мавзулар руйхатида назорат вазифасида қўйилиши мумкин бўлган саволларни ҳисобга олган ҳолда, солиштириш учун намунавий асарлар берилган. Талабалар маҳаллий материал асосида куплаб мавзуларни мустақил тузишлари мумкин.

Солиштирма таҳлил учун тахминий мавзулар руйхати

Рангтасвир

1. А.Абдуллаев. Автопортретлар
2. П.А.Федотов «Майорнинг унаштирилиши» ва «Анкор, яна анкор!»
3. П.А.Федотов «Майорнинг унаштирилиши» ва А.Г.Венецианов «Гумно»
4. В.Г.Перов И.С.Каминин ва В.И.Даль портретлари

5. И.Р.Крамской, Н.Н.Ге ва И.Е.Репин «Л.Н.Толстой портретлари»
6. И.Е.Репин ва Н.А.Ярошенко «П.А.Стрепетова портретлари»
7. И.Е.Репин «Курск губерниясидаги хоч юриш» ва В.Г.Перов «Пасхадаги қишлоқ хоч юриши»
8. И.Е.Репиннинг «Кутишьяган» картинаси вариантлари
9. Ў.Тансиқбоев “Жонажон ўлка”, Н.Корахон “Жонажон ўлка”
10. В.А.Серов М.Н.Ермолова ва Г.Н.Федотова портретлари
11. В.А.Серов М.Н.Ермолова ва О.К.Орлова портретлари
12. В.Д.Поленов «Москва ховлиси» ва В.А.Серов «Кишда»

Рангтасвир ва графика

- 1.И.Икромов ва Қ.Башаров иллюстрациялари
- 2.В.А.Серов «Солдатлар» М.И.Добужинский «Октябрь идиллияси»

Ҳайкалтарошлик

Меъморчилик

1. Классицизм даври иккита турар жой биноси(бири-тошдан, иккинчиси-егочдан)
2. XIXаср уртаси меъморчилиги 2 асари (бири Тошкент ёки Самарқанд, иккинчиси- чека шаҳарда)
3. Иккита модерн меъморчилиги асари (бири Тошкент ёки Самарқанд, иккинчиси-чекка шаҳарда)

Амалий-декоратив санъат

1. Фарфордан ишланган 2 асар бири- XIXаср маҳаллий буюм, иккинчиси-Петербург император заводи
2. Фарфордан ишланган маҳаллий 2 асар бири- XIXаср, иккинчиси- XIXаср охири ёки XXасрбоши

Иллюстрациялар ёрдамида санъат ҳақида суҳбат.

Бу вазифа суратга олишни биладиган талабаларга таклиф этилади. Чунки, ишнинг асосий қисми иллюстрация материалларидан иборат.

Ҳар қайси санъатшунос аудиторияда санъат буйича маъруза уқиши ёки суҳбат утказа олиши керак. Бу суҳбат ёки лекцияларни иллюстрациясиз утказиб бўлмайди. Бунда бугунги компьютер имкониятлари кулай ҳисобланади. Суҳбат матнини тузиш жуда осондек туйилади: рассом ҳақида китобни уқиб, уни иллюстрациялар ёрдамида айтиб бериш кифоядек. Лекин бундай эмас. Вазифани

бажаришга киришдан аввал материал кандай аудиторияга мулжалланганлигини; агар бу мактаб укувчилари бўлса- қайси ешда, катталар учун бўлса-қайси таркиб ва савиядалигини аниклаб олиш даркор. Сухбат максоди -материални танлаш ва баён қилиш усулини белгиловчи асосий фактор.

Қўлланмада таклиф этилган мавзуларнинг асосий тури-укувчилар билан битта рассом ижоди ҳақида сухбат. Монографик сухбат турлича ташкил қилинади: рассомни ҳаёти ва ижоди ҳақида уни ижодий эволюциясини хронологик тартибда очиб бериш; сухбат бошида рассомнинг биографияси ва ижодининг умумий ҳарактеристикаси ҳақида маълумот бериб, кейин эса бошқа томонлари-жанри, мавзуси, санъат тури ҳақида сўз юритиш мумкин (масалан, И.Репин-тарихий рангасвирчи, майский мавзуда, портретчи, чизмачи); рассомни ҳаяжонлантирган асосий муаммолар бўйича материални жамлаштирган ёки уни турли соҳалардаги фаолияти; (масалан, «А.И.Куинджи-педагог ва рангасвирчи») Сухбат жонли ва қизиқарли бўлиши керак. Бунинг учун рассом ҳақида хотиралар, унинг мемуарлари, хатларидан фойдаланиш тавсия этилади. Сухбат матнига албатта унинг бирор бош асари таҳлили киритилиши шарт.

Монографиядан ташқари, талаба бир авлод рассомларидан бир нечтаси ижодига ёки бирор бадиий йўналишга бағишланган мавзунини танлаши мумкин. (История живописи передвижников, Пейзаж в творчестве художников XIX века). Бу ҳолда вазифа ҳар хил рассомлар асарини таҳлил қилиш асосида бажарилади. Уларни бирлаштирувчи умумий нарса уша давр учун ҳарактерли эканлигини, шунингдек, ҳар бир рассомнинг индивидуал хусусиятларини белгилаш шарт. Иллюстрация материалларини танлаш сухбат каби муҳим. Сухбатнинг асосий моменти учун иллюстрация танлаш, асарни умумий қурилишини кўрсатибгина қолмай, балки бадиий –ғоявий мазмунини тушуниш учун муҳим бўлган чизма, этюд, эскиз, вариантлар, фрагментлар ҳам кўрсатилади. Сухбатда 15-16 та асар кўрсатилиш мумкин.

Шундан келиб чиқиб, машинада езилган 1 варок матн 2-2,5 дақиқа оғзаки нутққа мулжалланган бўлса, топширилган иш ҳажми 20-25 варок бўлиши шарт. Унга илова:

- 1) Расмлар комплекти (уралган ва езилган)
- 2) Фотосуратлар дубликати (орқасида езуви билан)

Расмлар урнига алоҳида суратга туширилган СД дисклар бўлиши мумкин.

Экскурсия ташкил қилиш.

Шаҳар буйлаб экскурсия

Бу вазифани қаерда яшашидан қатъий назар Тошкент, Самарқанд ёки меъморчилиги билан қизиқарли бўлган бошқа шаҳарни яхши билувчи талаба бажариши мумкин.

Вазифани тайерлаётганда шаҳар ҳаритаси ёрдамида укувчиларнинг пиеда ёки автобусда қиладиган саёхат маршрути ишлаб чиқилади. Ишнинг биринчи босқичида маршрут тўзилади.

Вазифани бажаришга киришишдан аввал шаҳар меъморчилиги хусусиятлари, эволюцияси ҳақида тасаввурга эга бўлиш, ривожланиш тарихини ўрганиш лозим. Муаллиф меъморчилик ривожланишининг асосий босқичлари

ҳақида алоҳида асарларни, улардан анча аввал яратилган бир неча асарлар билан солиштира таҳлил мисолида аниқ тасаввур бера олгандагина саехат қизиқарли ва ибратли бўлади.

Саехат режаси: кириш қисми- меъморчиликни утган босқичига характеристика билан, асосий қисм- ёдгорликларни муассал таҳлили билан мавзу бўйича суҳбат, якунида эса қурилатган давр меъморчилиги хусусиятлари ва ривожланиш қонуниятлари ҳақида ҳулоса қилинади.

Масалан, «ХХаср биринчи ярмида Тошкент» маззусидаги саехатни Мустиқлик биниси енида бошлаб, ХХаср давомида шаҳар киефасининг шаклланиб бориши ҳақида сўзлаш, классицизм меъморлари қиритган янгиликларга алоҳида эътиборни жалб қилиш лозим. Шундан сўнг, ХХ аср бошидаги шаҳар қурилиши, Шчусев, А.Бобохонов, М.Булатов идожлари ҳақида сўзлаш мумкин. Охирида уша давр меъморчилиги хусусиятларини таъкидлаб, ўзбек ва жаҳон санъатидаги аҳамиятини кўрсатиб утиш керак.

Ҳамма меъморчилик материалларини тарихий билан боғлиқ ҳолда бериш лозим. Саехатнинг асосий қисмига, укучилар диққатига ҳавола қилинадиган бинолар олдида, қачонлардир шу ерда яшаб утган фан ва маданият арбоблари ҳақида ҳикоя қилиш қиритилади. Материални еркин ва бадиий тилда баён қилишга алоҳида эътибор қилиш даркор. Саехат матнига муаллифнинг шахсий таассуротлари, қурилатган давр меъморчилигига муносабати қиритилиши мумкин.

Матн ҳажми 20-25 варок, иловада шаҳар ҳаритаси, тўзилган маршрут ва 5 иллюстрация бўлади.

Тахминий мавзулар руйхати

1. XIXаср биринчи ун йиллигида Тошкент

2 В.Сваричевский, Гейнцельман ижоди

3. Х Хаср урталарида ўзбек меъморчилиги Тошкент мисолида

4. Миллий услуб (Тошкент меъморчилиги асосида)

5. Рус модерни Тошкент, Қўқон меъморчилигида

6. XIXаср охири - ХХаср бошларида ўзбек меъморчилигида

неоклассицизм тенденциялари

7. XIXаср - ХХаср бошларида ўзбек меъморчилиги ривожини асосий босқичлари (Тошкент мисолида)

8. XIXаср чекка шаҳарлар меъморчилиги

Мўзейга монографик саёхат

Агар шаҳарда бадиий мўзей ёки картина галереяси бўлса, талаба экспозиция бўлимига бирор рассом ижоди бўйича (4-5 асари бўлса қифоя) саехат уюштириши мумкин.

Бундай ишнинг мақсади-рассом ижодининг ўзига хослиги ва аҳамиятини очиқ бериш, уни санъатнинг ривожланиш жараёнида тутган урнини белгилаш. Бунинг учун, рассом асарларини экспозицияда мавжуд бўлган, ундан аввал ижод қилган рассомлар ва замондошлари асарлари билан солиштириш тавсия этилади. Иш бошида рассом яшаган ва ижод қилган тарихий даврга, ижтимоий ва бадиий муҳитга характеристика бериш лозим.

Саехат, бу факат мўзейда оддий суҳбат эмас, унда мавзудан чёкинишлар бўлмаслиги, сўзловчи ва тингловчилар диққат марказида санъат асарлари экспозицияси бўлиши керак. Назорат иши матни 20-25 варок бўлиб, бошқа вазифаларда бўлгани каби иллюстрациялар бўлиши керак. Бу фотосуратлар, диапозитив, репродукциялар. Саехат маршрути курилатган асарлар жойланиши, гуруҳнинг ҳаракат маршрути кўрсатилган бўлади.

Бу вазифа мавзуларини тулик руйхатини буриш мумкин эмас. Мавзу мўзей ва шаҳарда мавжуд бўлган асарлар асосида тўзилади. Ленинград ва Москваликлар учун Давлат рус мўзеи, Давлат Третьяков галереясини, Пермда яшовчилар учун 2Пермь картина галереясида И.Репин асарлари», Рязандагиларга Рязань вилоят бадий мўзеи асарлари асосида «Ф.А.Малявин ижоди» мавзуларини тавсия этиш мумкин.

Курснинг бир бўлимига иллюстрация альбоми

Суратга олишни биладиган талабалар XX аср ўзбек санъат тарихининг бир бўлимига багишланган фотосуратлар альбомини назорат иши сифатида такдим этишлари мумкин.

Ўрганилатган даврни энг аниқ ифодаловчи репродукцияларни китобдан суратга олинади. Бу альбом у ёки бу бўлимни ўрганишда кургазмали курол бўлиб хизмат килади.

Альбом режаси, расмларни, материални жойлаштириш принципи жиддий ишлаб чиқилиши керак. Масалан, XXаср биринчи ярми ўзбек меъморчилиги мавзусида материални 3 бўлимга бўлиш мумкин:

1. XX аср биринчи ярмида Тошкент меъморчилиги
2. X X аср биринчи ярмида Самарқанд меъморчилиги
3. X X аср биринчи ярмида чекка шаҳарлари меъморчилиги

Ҳар бир бўлимда уша даврга хос йирик бинолар фотосуратларини жойлаштириш керак. Умумий курунишдан ташқари иншоотни фрагменти, бино плани, декор элементлари ҳам берилади.

Альбомда ва унинг ҳар бир бўлимида курилатган даврнинг санъати хронологияси, ҳарактеристикаси, стилистик ўзига хослиги конкрет асарлар мисолида берилиши керак.

Альбомда 15-20 фотосурат бўлиши керак. Тахминий формати: ватманнинг 1/кисми

Тахминий мавзулар руйхати

1. XX аср биринчи ярмида ўзбек меъморчилиги
2. XIX аср иккинчи ярми- XX аср бошида ўзбек меъморчилиги
3. XIX -XX аср бошлари ўзбек ҳайкалтарошлиги
4. XX аср биринчи ярмида ўзбек портрети
5. XX аср иккинчи ярмида ўзбек портрети

6. X X аср охири- XXІ аср бошида ўзбек портрети
7. XX аср биринчи ярми тарихий рангтасвири
8. XX аср уртаси ва иккинчи биринчи ярмида тарихий рангтасвири
9. X X аср охири- XXІ аср бошида тарихий рангтасвири
10. XX – XXІ аср бошларида рангтасвирида маиший мавзу
11. X X - XXІ аср бошида рангтасвирида тарихий мавзу
12. XX - XXІ аср бошларида манзара жанрини ривожланиши
13. XX - XXІ аср бошларида графика санъати

Синхроник жадвал

Бу вазифа яшаб тўрган шахрида яхши кутубхона бор талабага таклиф этилади. Вазифани бажариш учун рус ва чет эл санъати тарихидан фундаментал асарлар бўлиши талаб қилинади.

Синхроник жадвал-бу бир вақтни ўзида содир бўлган воқеаларнинг хронологик жадвали. Турли давлатлар санъатини солиштириш қизиқарлигина бўлиб қолмай, катта фойда ҳам келтиради. Чунки, бу маданиятлар ривожланиши жараинини тушуниш, олган билимларни системалаштириш, рус ва хорижий санъат курслари уртасида алоқа урнатишга ёрдам беради. Синхроник жадвал маданий ва тарихий воқеаларни ўзаро алоқасини, маълум давр рассомларини хаёжонлантирган асосий муаммоларни, санъат турларининг ўзаро таъсирини аниқлашга имкон яратади.

Жадвалда қуйидаги бўлимлар бўлиши керак:

- 1.Тарихий воқеалар
- 2.Маданий ҳаётдаги ҳодисалар
3. Тасвирий санъат

Жадвал фақат учинчи бўлим материали асосида номланади. Барча ташкилий ишларни карточкаларда олиб борилгани қулай. Уларда белгиланган йилда бўлиб ўтган воқеа ва ҳодисалар езиб борилади. Босқичли санъат асарлари учун алоҳида карточкалар юритилади. Жадвални тулдиришдан аввал карточкаларни ейиб, тартибга келтириш , ички мазмунни очиш, ўрганилаётган давр санъати ривож жараени логикаси, тарих ва маданиятдаги турли воқеалар орасидаги алоқаларни тушунишга ҳаракат қилиш керак.

Жадвалга тушунтириш хати илова қилинади (3-5 варок) Унда материални ўрганиш жараенида қандай кўзатишлар ва алоқалар аниқланганлиги, шунингдек, ушбу жадвалдан мактаб фаолиятида қандай фойдаланиш мумкинлиги тушинтирилади. Жадвал чизма учун қоғозда, қора туш ва чизма шрифтида бажарилади, ранг киритиш ҳам мумкин: тушунтириш хати –барча назорат ишлари учун белгиланган қоидага асосан езилади. Ишга картотека ва 3-5 та иллюстрация илова қилинади.

Тахминий мавзулар руйхати

1. XIX аср биринчи ярми гарбий Европа ва рус ҳайкалтарошлиги
2. XIX аср иккинчи ярми гарбий Европа ва рус ҳайкалтарошлиги
3. XIX аср охири-XX аср боши гарбий Европа ва рус ҳайкалтарошлиги
4. XIX аср биринчи ярми гарбий Европа ва рус портрет рангтасвири
5. XIX аср иккинчи ярми гарбий Европа ва рус портрет рангтасвири
6. XIX аср охири- XX аср боши гарбий Европа ва рус портрет рангтасвири
7. XIX аср гарбий Европа ва рус тарихий рангтасвири
8. XIX аср гарбий Европа ва рус меъморчилиги
9. XIX аср охири- XX аср боши гарбий Европа ва рус меъморчилиги (биринчи жаҳон урушигача)
10. Рус адабиети ва тасвирий санъати Пушкин даври
11. Рус адабиети ва тасвирий санъати Гоголь даври (40-50 йиллар)
12. 1850-1860 йиллардаги рус адабиети ва санъати
13. 1870 йиллардаги рус адабиети ва санъати
14. 1880-1985 йиллардаги рус адабиети ва санъати
15. XIX аср иккинчи ярми гарбий Европа ва рус манзараси
16. XIX аср биринчи ярми рус меъморчилиги, ҳайкалтарошлиги, графика ва рангтасвири
17. XIX аср иккинчи ярми рус меъморчилиги, ҳайкалтарошлиги, графика ва рангтасвири
18. XIX аср охири- XX аср боши рус меъморчилиги, ҳайкалтарошлиги, графика ва рангтасвири
19. XIX аср иккинчи ярми -XX аср бошида рус санъатидаги бадиий уюшмалар(уларни бадиий кургазмалари, етакчи ижодкорлари ва босқичли асарлари)
20. XIX -XX аср бошида рус рангтасвиридаги тарихий картина, портрет ва манзара

II-бўлим.

Назорат ишини бажариш борасида умумий методик кўрсатмалар.

Назорат иши бажарилишининг асосий босқичлари

Назорат иши куйидаги босқичлардан иборат: 1) мавзу танлаш; 2) мавзу асосида бадиий ва назарий материалларни туплаш ва ўрганиш, фактларни тушуниб етиш, ёритилаётган масалаларни белгилаш; 3) матн устида ишлаш, уни ёзиш ва таҳрир қилиш; 4) иллюстрациялар танлаш; 5) назорат ишини безаш.

Назарий материалларни йиғиш, адабиёт манбаларини ўрганиш даврида библиография тузиш ишлари олиб борилади.

Айтиб ўтилган ҳар бир босқичда ишлаш методикаси билан ушбу қўлланманинг II-бўлими таништилади.

Талабанинг танлаган мавзуси ва вазифани ҳарактеридан катъий назар назорат иши куйидаги материалларни ўз ичига олади: 1) матн; 2) иллюстрация; 3)

фойдаланилган адабиётлар руйхати; 4) иллюстрациялар руйхати. III-вазифа учун эса (укувчилар билан саехат) саехат маршрути ҳаритаси ҳам шарт.

1. Назорат иши мавзусини танлаш.

Талаба назорат иши мавзусини мустақил танлайди ва домласи билан келишади. Хронологик чегара бўлсада, мавзу доираси жуда кенг. Талаба таклиф этилаётган мавзулардан бирини танлаши ёки шунга ўхшашини мустақил белгилаб мавзунини номлаши мумкин. Бундай ёндошиш, талабаларга, турли туман маҳаллий материалларни жалб этишга имкон яратади. Маҳаллий материал деганда, муаллиф яшаб ишлаётган шаҳарнинг бадиий, ўлкашунослик, баъзида мактаб музейларида сақланаётган меъморчилик ва маҳобатли санъат ёдгорликлари, ҳамшаҳар рассом ижоди, халқ хунармандчилиги, енгил ва бадиий ишлаб чиқариш корхоналари маҳсулотлари асл нусхалари назарда тутилади. Маҳаллий материалга мурожаат қилиш санъат асарини асл нусхасини чуқур мулоҳаза билан ўзок муддат ўрганиш имконини беради. Чунки репродукциялар, юқори даражали асарники бўлса ҳам, асл нусхадан оладиган эмоционал таъсир кучини бера олмайди. Айнан шундай иш талабадан мустақилликни талаб қилади. Зарурият тугилганда эса жойлардаги мутахассислар ёрдами ва маслаҳатини олиш мумкин. Маҳаллий материални ўзлаштириш яна шу билан ҳам қимматлики, педагог учун уқувчилар билан ишлашга материал беради. Бунда улар енларидаги гўзалликни кўра билиш, ўз улқаси санъатига яқинлаштириш ва дунёкарашини кенгайтиришга ёрдам беради.

Талаба, III-курсда ¹санъат тарихи бўлимини чуқур ўзлаштирган тақдирдагина, материалдан бемалол фойдалана олади.

2. Мавзу бўйича материал туплаш.

Талаба мавзунини танлагач материал туплашга киришади. Изланиш предмети бўлган асарларнинг асл нусхаси қаердалигини аниқлаш, уни репродукцияси ва ўрганилаётган даврга бағишланган китоб ва мақолаларга эга бўлиши лозим.

Назорат ишини бажаришда муҳим бўлган материаллар алоҳида рассомларга бағишланган монографиялар, муаммолар ва мавзулар тўплами, махсус даврий нашрларда -«Санъат», «Ижод», «Рассом», «Декоратив санъат» журналларидан топиш мумкин.

Санъат тарихидан назорат ишининг муҳим бўлаги ва баҳолашда эътиборга олинган томони- бу талабанинг материал билан мустақил ишлаш, уни туплаш ва ўрганиш методикасини билишидир. Шу билан бирга талабага анча қийинчилик ҳам тугдиради. Шу мақсадда қуйида берилган бир неча методик тавсиялар фойдали бўлиши мумкин.

Адабиёт манбалари билан ишлаш.

Аввалом бор, танланган мавзу буйича кандай адабиетлар борлигини аниклаб олиш керак. Бунинг икки йўли бор: бири- кутубхона катологини куриб чиқиш; иккинчиси-рус санъати тарихи буйича умумий ва алоҳида даврларга бағишланган асарлар, монографияларда бериладиган библиография билан танишиш.

Каталоглардаги материал билан ишлаш учун уларни икки турда бўлишини билиш зарур: систематик ва алфавитли. Системали каталогда, кутубхона карточкалари китоб ва мақолалар бирламчи маълумотлари, улар бағишланган масалалар буйича жойлаштирилади. Демак, системали каталог ёрдамида кутубхонада муаллифни қизиқтираётган масала буйича кандай адабиетлар борлиги ҳақида маълумотга эга бўлиш мумкин.

Алфавитли каталогда карточкалар алфавит принципи: китоб муаллифи фамилиясининг биринчи ҳарфи асосида жойлашган бўлади. Бинобарин материални излаш учун китоб ёки мақола муаллифи фамилиясини аниқ билиш керак.

Куп кутубхоналарда карточкалар аннотациялар билан бўлиб, унда китобни қисқача мазмуни берилади. Бу эса материал танлашда жуда катта ёрдам беради.

Агарда, мавзу буйича ахборот манбаси сифатида справочник ва санъат тарихидан умумий кул езмалардан фойдаланилса, биринчи галда китоб сўнгида бериладиган библиографияга мурожаат қилиш керак.

Баъзи нашрларда адабиетлар ҳар бир бўлим сўнгида берилади. Санъат тарихи буйича куп жилдли нашрларда материал, одатга кўра, хронологик тартибда жойлаштирилади. Шунинг назарда тутиб, талаба, дархол ўрганаётган асари ва санъат воқеълиги қайси тарихий даврга алоқадор бўлса, ана уша жилдни очиши керак. Ўрганилаётган масаланинг у ёки бу мавзудаги адабиет буйича қимматли маълумотлар манбаи бўлиб энциклопедик лугатлар, айниқса, Катта Совет энциклопедияси хизмат қилади.

Бу ерда материални расом фамилияси, санъат йўналиши, ёдгорлик урнатилган шаҳар номи билан излаш мумкин. КСЭ да барча материаллар алфавит буйича жойлаштирилган .

Ҳар бир китоб ёки мақоланинг бирламчи маълумотлари алоҳида карточкаларга езилади. Бу карточкалар кейинги изланиш ишларида зарур бўлиб уларга асосланиб кутубхонадаги у ёки бу нашрни топиш осон бўлади. Карточкаларга иш учун керак бўлган белгилар, қисқача қучирмалар қилиш , охирида мавзу буйича библиография тузишда фойдаланиш мумкин.

Танланган мавзуга тааллуқли адабиетлар олинган ишга киришиш мумкин. Талаба томонидан уқиб чиқилган китобларда мавжуд бўлган библиографик рўйхат ва янгиликлар ҳисобига адабиетлар рўйхати тулдирилиб ва аниқланиб боради.

Ҳар бир адабиет манбаи -китоб билан ишлашни билиш ва унга алоҳида ёндошишни талаб қилади. Бунда сиртки бўлиб талабаларига қуйида берилган тавсиялар ёрдам беради.

Шуни эсда тутиш керакки, махсус адабиёт билан ишлаш доимо мақсадга еналтирилган бўлиши керак. Мақсадга еналтирилган дегани, бу китоб ёки мақоладан танлаб олинган материал ўрганилаётган мавзу учун муҳим бўлиши керак. Табиийки, талаба назорат ишини бажаришда куплаб китоб ва мақолаларни уқиб чиқолмайди. У мавзуга тааллуқли бўлмаганлардан воз кечиб муҳимларини танлаб олиши шарт. Буни жуда қисқа вақт ичида қилиш учун ҳар бир китобдан унумли фойдалана билиш керак.

Китоб билан ишлашни биринчи босқичида, керакли материал бор ёки йуқлигини аниқлаш учун тезда кўз югуртириб чиқиш даркор. Бунда китоб номи, аннотацияси, кириш сўзи, мундарижа катта роль уйнайди. Биринчи навбатда шуларга мурожаат қилиш керак. Ундан ташқари илмий изланиш буйича китобларда махсус справочник аппаратлари (шарҳлар, предметли ва номли кўрсаткичлар) бор.

Китобнинг қайси бўлимида керакли материал жамланганлиги аниқлангач, уларни куриб чиқиш ва ҳақиқатдан муҳимлиги тасдиқлангач уни диққат билан уқишга киришилади. Бундай уқиш танлаб уқиш дейилади. Мана шу дастлабки курикни ўзидан, ушбу китобда иш учун қанчалик муҳим ва куп материал борлиги ҳақида хулоса қилиш мумкин.

Китобни фаол уқиш керак. Бунинг учун изланилаётган масалага алоқадор маълумотлардан кучирма қилиш, энг муҳим жойларини ажратиш даркор. Кучирма ҳар хил бўлиши мумкин. Баъзи кучирмалар материалга доир аниқ фактларни (у ёки бу асарни яратган рассом ҳақида маълумотлар, саналар ва номлар) туплашни, бошқалари эса бирор аниқ асар юзасидан бир неча муаллифлар фикри ҳақида тасаввур қилиш ва солиштиришни мақсад қилиб олади.

Китоб ва мақолалардан, у ёки бу материални кучириб олишдан аввал, уларни диққат билан уқиш ва энг муҳим фикрларнигина олиш даркор. Уқиш пайтида муҳим саҳифалардан қисқача кучирмалар қилиб бориш мумкин.

Китобнинг асосий низомларини аниқлаш учун китобда берилган кетма-кетликни сақлаган ҳолда тезислар тузиш (энг аҳамиятли ҳолларини қисқа баён этиш). Баъзида конспект қилиш ҳам тавсия этилади. Бу назорат ишида берилган мавзуга доир китобни уқиганда фойдалидир. Китоб ва мақолалардан кучирмаларни бир хил форматдаги қоғоз ёки алоҳида карточкаларга ёзиш керак. Бу материални танлаб олиш ва тартибга солиш, ишни режа асосидаги кетма-кетликда баён қилиш имконини беради. Ҳар бир карточкада қайси китобдан кучирма қилинганлиги кўрсатилади.

У ёки бу нашр устида ишлаганда, материалга тааллуқли иллюстрацияларни белгилаб қўйиш, зарурият тугилганда тезда топиш учун фойдали.

Уқиб чиқилган адабиётдаги, ўрганилаётган асар буйича, барча маълумотларни ҳар томонлама пухта уйлаб кўриш, шахсий кўзатиш ва фикрлар билан солиштириш керак. Шундан сўнггина назорат иши матнини ёзишга кириш

мумкин. Шунда назорат иши, унга ёндошиш, масалани қўйиш ва баён қилиш нуқтаи назаридан мустақил ҳисобланади.

Бошқа маълумот манбалари билан ишлаш.

Назорат ишини бажаришда, айниқса, маҳаллий ёки кам ўрганилган ёдгорликлар ҳақида сўз борганда, нашриётдаги материалдан эмас, балки бошқа маълумот манбалари билан ишлаш зарурияти тугилиши мумкин. Бу манбалардан муҳимлари: архивлар, музей тўпламлари, илмий хужжатлар, замондошлар ва гувоҳлар маълумотлари.

Амалда талабалар бу манбаларга кам мурожаат қилишади. Бу манбалар нима бериши ва улардан қандай фойдаланишни билиш керак.

Архив материаллари

Маҳаллий, улка ва давлат архивларида санъат соҳасидаги турли материаллар сақланади. У ёки бу ёдгорликни яратилиши, муаллифини аниклаш, у ҳақда биографик маълумотларни, маҳаллий санъат ҳақида бошқа қизиқарли ва қимматли фактларни очиб бериши мумкин.

Архивларда ҳамма материаллар тартибга солинган ва руйхатланган. Аввалом бор, ўрганилаётган масала бўйича маълумотлар бор ёки йуклиги ҳақида архив ходимидан маслаҳат олиш, сўнг эса руйхат билан танишиш керак. Руйхатни кўриш натижасида диққат билан уқиб чиқиш керак бўлган, алоҳида материаллар аниқланади. Уқиш жараёнида кучирмалар қилинади. Материалнинг бебаҳолигини назарда тутиб баъзиларини тулик қучириб олиш мумкин. Кучирмалар карточкасида архив, фондни номи, иш рақами, хужжат номи ва бети кўрсатилади. Бу маълумотлар сақланаётган папкада кўрсатилган.

Архивларда матнлар билан бирга иш учун қимматли бўлган эскизлар, чизмалар, ёдгорликлар улчамлари бор. Махсус рухсатнома билан талабалар улардан нусха олишлари мумкин. Агар бу мумкин бўлмаса, бошқа йўли: архивни ўзида фото ёки нусха қилишга буюртма бериш мумкин.

Айниқса, ўрганилаётган предмет маҳаллий санъатга доир бўлган ҳолда, архив материаллари билан танишиш натижа беради.

Музей тўпламлари ва илмий хужжатлар.

Шаҳар ва қишлоқлардаги бадиий, бадиий-тарихий ва ўлкашунослик музейларида нафақат тўпламлардаги асарлар ҳақида, балки маҳаллий санъат бўйича ҳам асосий материаллар жамланган. Шунинг учун талабанинг музейдаги иши танлаган мавзусига доир экспозицияни кўриш билан чекланиб қолмайди. Ушбу музейда, уни қизиқтираётган масалага доир яна қандай материаллар мавжудлигини билиш зарур. Бу танланган назорат иши мавзуси бўлган рассомнинг ижодига тааллуқли, экспозицияда намойиш этилаётган асарлари, эскизлари, расмлари бўлиши мумкин. Фондда замондошлари ва шогирдлари асарлари бўлиши, рассом ижоди билан солиштириш ва уни санъатини ўзига

хослигини кўриш учун муҳим. Мўзейларда бошқа хужжатли материаллар ҳам бор. Булар биринчи галда, асарларни яратилиш тарихи ва жойи, аник ёки тахминий вақтини ўз ичига олган экспонатлар руйхати. Ундан ташқари архив материалларида рассомнинг ёзишмалари, эсдаликлари, у ҳақидаги хотиралар мавжуд.

Мўзей тўплами билан танишишда, шу мавзуда ишлаётган, илмий ходимлар катта ёрдам беришлари мумкин. Улар ўз билимлари билан бўлишишлари, талабани керакли оқимга йуналтиришлари мумкин.

Замондошлар ва гувоҳлар билан суҳбат.

Бу маълумот манбаси, иш мавзуси жоножон улка санъати, ҳамшаҳар рассом ижодига бағишланганда муҳим аҳамиятга эга. Бундай ҳолларда, жойлардаги билагонлар ва санъат мухлисларининг кўзатишлари ва хотиралари катта роль уйнайди.

Иш учун материал туплашда маълум тартибга бўйсунтириш керак. Аввало, ҳаётини тажрибаси, билими фойда келтирадиган инсонлар доираси белгиланади. Асосий саволлар ишлаб чиқилади. Суҳбат пайтида жавоблар, ҳикоя ва хабарлар езиб борилади. Иш матнида улардан турлича фойдаланиш мумкин: баъзилари тулик берилади, баъзилари- келтирилган далилларни тасдиғи сифатида.

Суҳбат чоғида ҳикоячини факатгина исми- шарифини эмас, уни берилган масалага тааллуқли бўлган тарафини тушунтирувчи маълумотларни ҳам қайд этиш лозим. Бундан ташқари, маълумотларни олган сана ва жой(географик пункт) ҳам белгиланиши керак.

Агарда суҳбатдошлардан бирида мавзу бўйича оригинал бадиий материал бўлса, уни бирорта йул билан (нусха олиш, чизиб қўйиш, суратга олиш) сақлаб қолиш керак, жуда бўлмаса, батафсил тарифини езиб қўйиш керак. Репродукция ва тарифларда асл нусха эғаси ҳақида ва у берган предметлар ҳақидаги маълумотлар қисқача езиб қўйилади.

Библиография тузиш

Талаба мавзу бўйича махсус адабиётни аниқлаш ва ўрганиш жараенида сёкин-аста библиографик руйхат тўзиб боради. Агар мавзу устида ишлашда архив материалларидан фойдаланилган бўлса, улар алоҳида руйхатда келтирилади.

Ҳамма адабиётлар манбаи белгиланган тартибда жойлаштирилади. Аввало, партиявий хужжатлар, кейин мавзуга тааллуқли махсус адабиётлар кўрсатилади. Руйхат алфавит бўйича ёки, иш бўлимлари, уларда қурилган масалалар предмет принципи асосида тўзилади. Китоб ёки мақолалар ҳақида маълумотлар ҳам белгиланган тартибда берилади.

Баъзи ҳолларда, библиографияда кўрсатилган асарларга, муҳим моментларни белгилаб қисқача аннотация бериш мумкин.

3. Матн устида ишлаш

Назорат иши матни устида ишлашни маълум тартибда олиб бориш даркор. Биринчидан, материални ўрганиш жараенида юзага келган барча масалалар кўрсатилган иш режаси тўзилади.

Режа тузиш учун йигилган материалдан энг муҳимлари ажратилади, системалаштирилади ва бўлимларга ажратилади. Режа, бинобарин, барча матн маъноли тузилиши даркор.

Коидага кўра, режа кириш, асосий қисм (бир неча бўлимдан иборат бўлиши мумкин) ва хулосани ўз ичига олади. . Режа пунктлари тартиби, ҳар бир алоҳида ҳолда, у ёки бу масаланинг муҳимлиги ва ўзаро боғлиқлигига қараб ўзгартирилиши мумкин.

Кириш қисми мавзуни асослашга, қисқача тарихий ва биографик маълумот беришга бағишланади. Ўрганилаётган ёдгорликни дунегга қилиш сабабларини ва хусусиятларини ифодалашга ёрдам берадиган маълумотларгина маълум қилинади. Асосий қисмда асарларнинг ўзи, ғояси, мавзуси, сюжет ва бадиий таъсир воситаларигина қуриб чиқилади.

Хулоса қисмида таҳлил натижалари, ўрганилаётган асарлар аҳамияти, уларни рассом ижодидаги ва ўз даври санъатидаги ўрни таъкидланади. Назорат иши мазмуни, маъноли, аниқ ва ҳатосиз баён этилиши даркор.

Матнни алоҳида бўлимларини номлаш шарт эмас . Лекин ҳар бир қисмини сатр ташлаб кетиш билан ажратиш лозим.

Назорат иши матнида китоб ёки мақолада келтирилган қитота ёки мутахассис фикридан қучирма берилади. Қитота албатта қуштирноқ ичига олинади. Агар бировни фикри ўз сўзи билан ёки ўзгартирилган ҳолда берилса, қуштирноқ даркор эмас. Аммо, иккала ҳолда ҳам бу маълумотлар олинган манба қучирмада кўрсатилади. Қучирма саҳифани пастки қисмида асосий матн охирида берилади. Улар ишни охирида ҳам берилиши мумкин. Уларда муаллиф исми-шарифи, мақола ёки китоб номи, нашр қилинган жой, нашриети, йили ва саҳифалари кўрсатилади. Агар манба даврий нашрдан (журнал, газета) олинган бўлса қучирмада журнал номи, йили, сони; газета бўлса-қун, ой ва саҳифаси кўрсатилади. Шунингдек, архив материалларига ҳам қучирма қилинади. Матнда назорат иши иловасидаги иллюстрациялар рақами ҳам кўрсатилади. Матнни уларга тааллуқли жойида қўйилади.

Матн езиб бўлингач диққат билан ўқиб чиқилади ва муаллиф тарафидан таҳрир қилинади.

Назорат иши матнининг ҳажми ҳар бир ҳолда турлича бўлиб бажарилаётган вазифани тури ва ўрганилаётган материални ҳарактерига боғлиқ.

4. Назорат ишини иллюстрациялаш.

Санъат тарихидан назорат ишларида иллюстрациялар бўлиши керак, Улар матн билан ўзвий боғлиқ бўлиб, ишда мавжуд бўлган кўзатиш ва ҳолатларни тугрилигини тасдиклаши лозим.

Шунинг учун матнга алоқаси бўлмаган иллюстрациялар жойлаштирилмайди. Тулик асар репродукциясидан ташқари, муаллиф диққатга сазовор деб билган, алоҳида фрагментлар ҳам берилиши керак.

Назорат иши матнини иллюстрациянинг бошқа турлари билан ҳам безаш мумкин. Бу репродукция ва откриткалар, фотосуратлар, слайд ва диофильмлар. Меъморчилик ва бадий безакда эса бэъзан янада ранг-баранг: чизмалар, план нусхалари, чертежлар, орнамент фрагментлари асарнинг асл нусхаси(амалий санъат буюмлари) такдим этилади.

Ҳар бир иллюстрацияга паспарту килинади ва орка томонига езиб қўйилади. Унда муаллиф, номи, яратилган йили, материал, бажарилиш техникаси, размерлари, сакланиш жойи кўрсатилади (шаҳар, мўзей, картина галереяси).

Масалан: О.А.Кипринский. Челишев портрети. 1810 й. егоч, м. 48x48 Давлат Третьяков галереяси.

Иллюстрация сони вазифа характери ва мазмунига боғлиқ. Иш охирида асарлар ҳақидаги маълумотлар иллюстрация руйхатида куринади.

5. Назорат ишини безаш

Санъат тарихидан назорат ишларини яхши безаш лозим. Лекин, шуни эсда тутиш лозимки, безаш асосий мақсад бўлмай, у вазифа мазмунига мос келиши керак. Назорат ишини ташки куруниши уни бажарган талабанинг диди ва бадий билимини кўрсатади.

Иш матни стандарт (210 x290мм)қоғознинг бир томонига машинка ёки чиройли дастхат билан езилиши даркор. Аммо, баъзида иллюстрация қилиш кулай ва чиройли бўлиши учун қоғоз формати ўзгариши мумкин. Қоғознинг ун томонидан 3-4см поля колдирилади.

Муаллиф ҳақида ҳамма маълумот титульный варокда маълум килинади: факультет, фамилия ва исми, мавзу; вазифа баражилаётган предмет номи, курси, бажарилиш йили, уқитувчи ва рецензент фамилиялари. Ҳамма матн чиройли ва тугри жойлаштирилиши, аниқ езилиб титульный листдаги бошқа элементлар билан логик боғланиши керак.

Матни ҳамма саҳифалари, титульный варог, библиография, иллюстрация руйхати ва бошқа иловалар билан китобча шаклида бирлаштирилади. Паспарту килинган иллюстрациялар матн охирида бирлаштирилади ёки куп бўлса, формати стандарт бўлмаса, алоҳида папкада илова сифатида такдим этилади.

Ташки безак характери турлича бўлиши мумкин. Жилдлар юмшок ва қаттиқ (етарли даражада зич картонли қоғоз) килинади, расм солинган, шрифт езувли,

епиштирилган репродукция билан безалади. Унда талабанинг исми, фамилияси, мавзу номи ва бажарилиш йили кўрсатилади.

Агар иллюстрациялар алохида папкада берилса, уни ҳам асосий жилд каби безаш лозим. Устки жилднинг ички тарафи, пастки кисмида рецензиялар учун қоғоз чунтак епиштирилади

**Н.Абдуллаевнинг «Санъат тарихидан назорат ишларини бажариш
асоси ва талаблари» номли назорат ишининг электрон вариантыга
тақриз**

Мазкур назорат ишлари талаблари бадиий таълим соҳасида илк бор ишлаб чиқилган бўлиб, у санъатшуносларни тайёрлашда жудаям муҳим амаллардан ҳисобланади. Ушбу ўқув-услубий қўлланма Олий ўқув юр்தларининг санъатшунослик йўналиши бўлими талабалари учун мўлжалланган. У санъат тарихидан назорат ишлари мавзулари ва уларни бажариш бўйича услубий кўрсатмаларни ўз ичига олади. Махсус фанлардан малакавий бититув иши (диплом иши) ёзиш иккита тайёрлов босқичдан- назорат ва курс ишларидан иборат. Ўқув режаси асосида назорат иши ҳар семестрда топширилади. Талабаларни мустақил санъатшунослик фаолиятини юритишига тайёрлашда назорат иши муҳим омилдир.

Назорат вазифалари устида онгли ва мақсадли ишлаш, уларнинг нафакат дунёқарашини кенгайтиради, балки бадиий асарни таҳлил қилиш услубиятини, адабий манбалардан фойдаланишни ўргатади. Бадиий асар устида мустақил ишлаш методикасини эгаллаган, ижодий жараён маъносига етган талаба суҳбат ўтказиш учун маълумот йиғади.

Қўлланма икки бўлимдан иборат. Биринчи бўлимда назорат ишининг 5 та тури бўйича ҳарактеристика, уларнинг асосий хусусиятлари, ишга қўйилган талаблари, ҳажми белгиланган. Назорат ишларининг асосини, вазифа қайси вариантда бўлмасин, бадиий асар таҳлилидан иборат бўлиб, бу талабаларга бир қанча кийинчиликлар тугдиради. Бу ерда тасвирий санъат асарини таҳлил қилиш методикаси бўйича муфассал тавсиялар берилган.

Қўлланманинг иккинчи бўлими ишни ҳар бир босқичини (мавзу танлаш, материал туплаш, матн устида ишлаш, иллюстрация ва безаш) бажариш бўйича умумий методик кўрсатмалардан иборат.

Мазкур ўқув услубий қўлланма асосига мавзуга оид мақола ва маърузалар асос қилиб олингани ҳолда ўқув юр்தлари учун нашр этилган “Контрольные работы» услубий қўлланмасининг санъатшунос Фотима Умарбекова томонидан таржима қилинган қўлёзмаси материалларидан фойдаланилган.

I-бўлимда назорат ишлари учун вазифалар турлари ўрин олгагн. Тавсия этилган вазифалар 5 та асосий гуруҳга бирлаштирилган. Булар - Санъат асарини таърифлаш ва таҳлил қилиш, Иллюстрациялар ёрдамида санъат ҳақида суҳбат қуриш, Экскурсия ташкил қилиш, курсни бирор бўлимига иллюстрациялар альбомини тайёрлаш, синхроник жадвал тузиш ва бошқалар.

Вазифалар ва уларни бажариш усуллариининг турлилигини назарда тутиб, қўлланмада ҳар қайси гуруҳга алоҳида бўлим бағишланган. Ҳар қайси бўлимда ушбу вазифалар у ёки бу шаҳар, ёки қишлоқда музей, картина галереяси,

кўргазмалар зали, ҳайкалтарошлик ёки меъморий ёдгорликларнинг бор ёки йўқлигидан келиб чикиб кимларга мўлжалланганлиги кўрсатилган.

И.Абдурахмонов

санъатшунослик фанлари номзоди, доцент